XALQ DEPUTATLARI SERGELI TUMANI KENGASHI
QARORI

2022 - yil 29 - oktabr II-74-161-14-201-K/22 Sergeli tuman hokimligi

2022 йилги Сергели туман маҳаллий бюджет параметрларига тегишли ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 30, 148 ва 150-моддаларига, Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунининг 9-моддасига ва “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасига, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 14 мартда “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини тузиш ва ижро этиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида”ги 1111-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган Йўриқномага асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январдаги “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-92-сонли, 2021 йил 3 декабрдаги “Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-31-сонли қарорлари, 2022 йил 17 майдаги “Тиббиёт муассасалари ходимларини моддий қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-136-сон ва 2022 йил 5 майдаги “Иш ҳақи миқдорини ошириш тўғрисида”ги ПФ-138-сон Фармонлари, шунингдек, Молия вазирлигининг 2022 йил 5 январдаги 1-сонли буйруғига мувофиқ, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2021 йил 30 декабрдаги “2022 йил учун Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетини тасдиқлаш

тўғрисида”ги VI-53-165-14-0-K/21-сонли ҳамда халқ депутатлари Сергели тумани Кенгашининг 2022 йил 7 январдаги “Сергели туманининг 2022 йил учун маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида”ги II-59-2-14-201-K/22-сонли қарорлари ижроси юзасидан ва Сергели тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Жумабоев, туман молия бўлими мудири Э.Мардиевларнинг билдиргисини инобатга олиб, халқ депутатлари Сергели туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 30, 148 ва 150-моддалари, Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 14 мартда “Бюджет ташкилотларида ишловчи аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа, фуқароларнинг айрим тоифаларига уй-жой, коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича имтиёзлар ўрнига қонун ҳужжатларида назарда тутилган ойлик компенсация пул тўловлари ҳамда бола туғилганида бериладиган бир йўла нафақани тўлаш бўйича харажатларни молиялаштириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 2080-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган Низомга биноан 2022 йилнинг иккинчи ярми Сергели туман маҳаллий бюджетининг параметрлари доирасида маҳаллий бюджетдан маблағ олувчи бюджет ташкилотларининг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган биринчи даражали тўловларини ўз вақтида молиялаштириш мақсадида иловага мувофиқ харажатлар сметасига ўзгартиришлар киритилсин.

2. Сергели туман молия бўлими (Э.Мардиев):

Тошкент шаҳар молия бош бошқармаси билан келишилган ҳолда 2022 йилги туман маҳаллий бюджет параметрларига тегишли ўзгартиришлар киритсин.

3. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари Сергели туман Кенгашининг Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссия раиси Р.Бахритдинов зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари Сергели туман Кенгаши раиси **Э.Шукуров**

Xalq deputatlari Sergeli tuman
Kengashining
2022 yil 29 oktabrdagi
II-74-161-14-201-K/22-son qaroriga
1-ilova

Сергели тумани маҳаллий бюджет харажатларига ўзгартириш киритиш тўғрисида

№	Соҳалар	Ўзгартириш			Харажатлар миқдори, Жами (минг.сўм)
Харажатлар гуруҳлари		1-гурух	2-гурух	4-гурух	
1	**Халқ таълими соҳаси**				**0,0**
2	**Мактабгача таълим соҳаси**				**0,0**
3	**Соғлиқни сақлаш соҳаси**	**0,0**	**0,0**	**0,0**	**0,0**
	Туман тиббиёт бирлашмаси	*-2 462 200,0*	*-684 000,0*	*-1 317 319,0*	-4 463 519,0
	Оилавий поликлиникалар	*2 078 000,0*	*590 000,0*	*1 180 842,0*	3 848 842,0
	Санитария-эпидепиологик осойишталик маркази	*384 200,0*	*94 000,0*	*136 477,0*	614 677,0
4	**Маданият соҳаси**	**0,0**	**0,0**	**0,0**	**0,0**
	21-сон болалар мусиқа ва санъат мактаби	*-40 000,0*	*-10 000,0*		-50 000,0
	4-сон маданият маркази	*11 000,0*	*2 650,0*		13 650,0
	Маданият маркази	*29 000,0*	*7 350,0*		36 350,0
5	**Спортни ривожлантириш бўлими**				**0,0**
6	**Ижтимоий нафақалар**				**0,0**
7	**Ижтимоий мослаштириш маркази**				**0,0**
8	**Ободонлаштириш соҳаси**				**0,0**
9	**Давлат бошқарув органларини**	**580 849,0**	**115 059,0**	**0,0**	**695 908,0**
	Молия бўлими				0,0
	Давлат ҳокимият органлари	*372 000,0*	*92 947,0*		464 947,0
	Маданият бўлими	*11 250,0*	*3 150,0*		14 400,0
	Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази	*600,0*	*1 000,0*		1 600,0

	Халқ қабулхонаси				0,0
	Кенгаш котибияти	*6 800,0*	*150,0*		6 950,0
	Ижтимоий мослаштириш маркази	*18 950,0*	*4 650,0*		23 600,0
	Ёшлар агентлиги	*260 000,0*	*37 000,0*		297 000,0
	Оила ва хотин-қизлар бўлими				0,0
	Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш	*-88 751,0*	*-23 838,0*		-112 589,0
10	**Ўзини ўзи бошқариш органлари**	**-212 720,0**	**-56 676,0**	**-426 512,0**	**-695 908,0**
Жами		**368 129,0**	**58 383,0**	**-426 512,0**	**0,0**